

# Бизни «мусулмонлар», деб Аллоҳнинг Ўзи номлаган



22:47 / 07.04.2018 4035

**Эй иймон келтирганлар! Рукуъ қилинглр, сажда қилинглр ва Роббингизга ибодат қилинглр ҳамда яхшилик қилинглр, шоядки, зафар топсангиз. □**

**Ва Аллоҳ учун ҳақ жиҳод қилингиз. У сизларни танлаб олди. Ва сизга бу динда ҳеч қандай танглик қилмади. (Бу) отангиз Иброҳимнинг миллати. У сизларни бундан олдин ва бу(Қуръон)да «мусулмонлар» деб номлади. Токи Расул сизларга гувоҳ бўлсин, сизлар эса одамларга гувоҳ бўлинглар. Бас, намозни тўкис адо этинглр, закот беринглр ва Аллоҳга боғланинглр. У сизнинг Хожангиздир. Бас, У Зот қандай яхши Хожа ва қандай ҳам яхши нусрат берувчидир!**

Суранинг охиридаги ушбу икки оятда Аллоҳ таоло Ислом умматига нидо қилмоқда. Бу нидо мусулмонларга энг маҳбуб мурожаат билан

**«Эй иймон келтирганлар!»** – дея бошланмоқда. Бу нидо ўзидан кейин келадиган амрларни алоҳида кўтаринки руҳда адо этишга ундайди. Ундан кейин келаётган амрлар эса рукуъ, сажда қилмоқликдир.

**«Эй иймон келтирганлар! Рукуъ қилинглр, сажда қилинглр...»**

Бу икки амал энг улуғ ибодат бўлмиш намознинг муҳим ва кўзга кўринган амалларидан ҳисобланади. Бу нарса, ўз навбатида, намознинг қанчалик муҳим эканини ҳам кўрсатади.

### **«...ва Роббингизга ибодат қилинглр...»**

Яъни «Барча ибодатларни қилинглр». Зотан, Ислонда ҳаётнинг ҳар бир соҳасида дин кўрсатмаларига амал қилиш ибодат ҳисобланади. Демак, бу жумлани «Роббингизнинг айтганини қилиб яшанглр», деб таржима қилсак ҳам бўлади.

### **«...ҳамда яхшилиқ қилинглр...»**

Яъни бу дунёда Аллоҳга ибодат этиб, Унинг махлуқотларига, хусусан, одамларга яхшилиқ қилиб яшанглр.

### **«Ва Аллоҳ учун ҳақ жиҳод қилинғиз».**

«Жиҳод» сўзининг луғавий маъноси «бир нарса учун бор имкониятини ишга солиш»дир. Демак, мусулмон инсон ўз ҳаётида Аллоҳ йўлида бор имконларини ишга солиб, ҳаракат қилиб яшамоғи керак. Душманларга қарши уруш қилиш, ҳавойи нафсга қарши курашиш, адолатсизлик, зулм ва бошқа ёмонликларга қарши туриш ҳам жиҳод саналади. Мусулмонлар ана шундай ишларни қилишга масъулдирлар. Чунки

### **«У сизларни танлаб олди».**

Аллоҳ таоло сизларни бошқалар ичидан танлаб олди ва ушбу масъулиятларни юклади. Энди эса ушбу масъулиятларга муносиб бўлишинғиз, бу ишончни оқлашинғиз керак. Сиз бу масъулиятлар қаршисида тушкунликка тушманг. Чунки Аллоҳ

### **«...сизга бу динда ҳеч қандай танглиқ қилмади».**

Бу динда инсонга оғир келадиган, унинг тоқатидан ташқари ҳеч нарса йўқ.

Бу дин башарият тарихида қадимдан Аллоҳ томонидан жорий қилиб келинаётган бир йўл. Бу дин

### **«...отанғиз Иброҳимнинг миллати».**

Ҳа, бу тавҳид миллати Иброҳим алайҳиссаломдан буён келмоқда. Бу миллатни ўзинғизга лозим тутинг.

**«У сизларни бундан олдин ва бу(Қуръон)да «мусулмонлар» деб номлади».**

Ҳа, Аллоҳнинг Ўзи бу миллатни «мусулмонлар» деб номлаган. Қуръон келишидан олдин, ўтган самовий китобларда ҳам «мусулмонлар» деб номланган. Қуръонда ҳам «мусулмонлар» деб номланган. Шунинг ўзи бу миллат учун чексиз шон-шарафдир. Бу ишни қилишдан мақсад:

**«Токи Расул сизларга гувоҳ бўлсин...»**

Яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломни умматларига етказиб, йўл-йўриқ кўрсатиб, гуноҳ нима-ю, савоб нима, тўғри йўл қайси-ю, нотўғриси қайси, ўргатадилар. Қиёмат куни эса шу ҳақда гувоҳлик берадилар.

**«...сизлар эса одамларга гувоҳ бўлинглар...»**

Яъни «Эй мусулмонлар, сизлар қиёматгача бошқаларга Исломни етказиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, гуноҳ нима-ю, савоб нима, тўғри йўл қайси-ю, нотўғриси қайси, ўргатиб боришингиз учун шундай қилинди. Қиёмат куни эса бу ҳақда гувоҳлик берасиз.

Бу ишга алоҳида тайёргарлик, сафарбарлик керак. Шунинг учун

**«Бас, намозни тўкис адо этинглар, закот беринглар ва Аллоҳга боғланинглар».**

Бусиз мазкур омонатни адо эта олмайсиз.

**«У сизнинг Хожангиздир».**

Аллоҳ сизнинг хожангиздир. Хожанинг айтганини қилмасдан, мақсадга эришиб бўлмайди.

**«Бас, У Зот қандай яхши Хожа ва қандай яхши нусрат берувчидир!»**

Шундай хожага муносиб банда бўлганларгина Унинг нусратига сазовор бўлурлар.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

(Тафсири Ҳилол китобидан)

